ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

23 январ шанба 1999 йил №11 (658)

ШУ ЗАМИН ВАТАН, ЎЗБЕКИСТОН БАРЧАМИЗНИКИ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

Ушбу сонда:

2 «ҚОРА ҚИТЪА» ОСМОНИДА БУЛУТЛАР

3 TV ДАСТУРИ

4 ОМАДЛИ КИШИЛАР

Ижтимоий соҳа давлат эътиборида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш мажмуининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлди. Унда мажмуа тизимидаги вазирлик ва идоралар, қўмита ва концернлар, компания ва уюшмалар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, «Устоз» республика жамғармасининг ижрочи директори А.Абдувоҳидов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадов, «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концерни бошқаруви раиси Қ.Шодиев, «Ўзтелерадио» компанияси раиси А.Кўчимов, халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ва бошқаларнинг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий соҳага, уни тобора ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор бераётгани алоҳида таъкидланди. Ўтган йил мобайнида мамлакатимизда бу борада жиддий натижаларга эришилди. Айниқса, соҳанинг муҳим тармоқлари ҳисобланган таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни бажаришда муҳим қадамлар қўйилди. Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш ҳамда олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш ишлари муваффақиятли олиб бориляпти.

Мамлакатимизнинг кўплаб истеъдодли ёшлари чет элларда таҳсил олиб қайтди. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Самарали даволаш усуллари кенг қўлланилди. Шулар билан бирга, ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги ечимини кутаётган масалаларга асосий эътибор қаратилди, ижро интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланиб, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилотларнинг раҳбарларига бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

/ЎзА/

ИШЧИ ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

Гулистон паррандачилик хўжалигига ишчилар танлов асосида қабул қилинмоқда

Бир вақтлар инқирозга юз тутган мазкур хўжаликда ишлаш эндиликда айниқса ёшларнинг орзусига айланди. Замонавий иш усуллари қўлланилаётганлиги, цехлардаги қулайлик, юқори унумдорлик, моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги бунга асосий сабабдир. Бироқ, шу қувончли кунларга осонликча эришилмади. Паррандачилик хўжалиги раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси биринчи кунданоқ инсон омилига эътиборни кучайтирди. Омилкорлик, изчиллик, ташаббускорлик кўрсатилиб цехлардаги жараён замонавий асосга қўйилди. Тармоқ ходимлари яхши маош олишлари, кўнгилли хордиқ чиқариб, яхши кайфият билан фаолият юритишлари учун барча имкон ишга солинди.

Вақт ўтиши билан хўжаликнинг муваффақиятлари кенг ёйилди. Паррандабоқарлар сафига қўшилиш истагини билдирганлар ниҳоятда кўпайди. Биз иноқ жамоада бўлганимизда танлов асосида ишга қабул қилинаётган экан.

- Қурилиш ташкилотларидан бирида ишлайман,- дейди ўзини Николай Пак деб таништирган йигит. - Бозор шароитида кўп нарса раҳбарга, унинг омилкорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Бизнинг раҳбаларимиз янгича шароитда ишлашга чамаси ўзларини тайёрлай олмадилар. Иш орқага кетди. Оқибат натижада ойлар мобайнида маош ололмай қолдик. Мана шу паррандачилик хўжалигида ишласам, ўз қобилиятимни намоён этсам, деган ният туғилди. Очиғи бу ерда ишчини қадрлашни билишади.

Таъкидланганидек, бундан уч йил муқаддам хўжаликда парокандалик ҳукм сурарди. Паррандалар бош сони камайиб кетган, даромаднинг тайини йўқ эди. Мана бугун эса цехларда ҳаёт қайнайди. Операторлар юзида табассум! Уларнинг ҳар бири ўз хўжалиги, эришаётган ютуқлари билан фахрланади. Меҳнат қадрланган, ишчига қулай шароитлар яратилган жойда ютуқларга-ютуқ қўшилади. Барча ҳамкору ҳамжиҳат ишлайди, ташаббус кўрсатади.

- Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамжиҳатликда фаолият юритмоқда,- дейди хўжалик раҳбари Ботир Маҳмудов. - Унинг бандлари бирма-бир бажарилмоқда. Ҳаммасини янгитдан бошлашга тўғри келганида ишчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бордик. Муаммоларимизни четдан биров келиб ҳал қилиб бермаслигини, баҳоналарни четга суриб бир йил қаттиқ меҳнат қилишимиз лозимлигини одамларга синчиклаб тушунтирдик. Моддий жиҳатдан ўзимизни тутиб олгач, меҳнат шароитини яхшилаш, сидқидилдан ишлаётганларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш йўлга қўйилди. Айниқса операторлар ўзларига кўрсатилаётган меҳрибончиликка жавобан вақт билан ҳисоблашмай ишладилар.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Мамадиёр Қўрқонов билан цехларни айланамиз. Жараёнлар бир маромда бажарилмоқда. Бу ердаги шароит чет элдаги корхоналардан сира қолишмайди. Шунинг учун кўрсатгичлар тобора қувончли бўлмоқда. Жумладан ўтган йили хўжалик паррандабоқарлари 3,5 миллион тухум, 50 тонна гўшт етиштиришни режалаштиришганди. Амалда эса истеъмолчиларга 9 миллион 236 минг дона тухум, 149 тонна пархез гўшт етказиб берилди. Катта миқдорда соф фойда олинди. Бир ишчининг ўртача ойлик маоши қариийб 6 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари ҳар ойда операторларга йўлкира пули берилади. Ана шу мақсад учун хўжалик бир йилда 3 миллион 600 минг сўм сарфлади.

Иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун ёрдамчи чорва йўналишидаги хўжалик ташкил этилди. Бу ерда ишлаётганлар махсус кийим-бош, сутқатиқ билан таъминланган. Ишчи хизматчилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик ҳавас қилса арзигудек. Бир вақтлар хўжаликда ишлаб пенсияга чиққанлар ҳам эсдан чиқарилмаган. Уларга имкон қадар мадад кўрсатилмоқда.

- Ҳар бир инсон ҳалол меҳнат қилиб, обрў орттирсам, моддий жиҳатдан таъминланиб орзу-ниятимга етсам, дея интилади,- дейди цех бошлиғи Мамаражаб Кўрғонов. - Ишчилар кам бўлишмаяпти. 90 минг бош паррандани меҳр билан парваришлаяпмиз. Аввалларги гўштга тайёрланган жониворларнинг суякларидан унумли фойдаланилмасди. Омилкор ишчилар таклифи билан уларни майдалаб товуқларга емга аралаштириб беряпмиз.

Меҳнат туфайли келаётган даромад иш жараёнларини янада такомиллаштириш, қўшимча бинолар қуриш, акцияларни кўпайтириш имконини бермоқда. Мадина Қаюмова, Ҳабиба Айдарова, Муқаддас Эминова, Ойсара Султова каби товуқбоқарлар зиммаларидаги топшириқни ҳамиша ортиғи билан адо этмоқдалар.

- 3800 та товуқни парваришлаяпман, -дейди оператор Турсуной Эшонқулова. - Шунга яраша яхши маош оляпман. Ўртача ойлик 7 минг сўмдан ошди. Хўжаликда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хайрли ишларга қўл урилди. Муҳими ҳар бир иш кунини кўтаринкилик билан ўтказяпмиз.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Муносабат

Эъзоз ва эҳтиром рамзи

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда барпо этилаётган Хотира майдони қурилишида олиб борилаётган иш қўламлари билан танишиб, 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш борасидаги таклифлари юртдошларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

- Йўлбошчимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифлари мени тўлқинлантириб юборди, - дейди республика «Нуроний» жамғармаси Тошлоқ тумани бўлими раиси Солижон Содиқов. - Узоқ йиллар давомида «Яккатут», «Варзак» жамоа хўжаликларига раҳбарлик қилдим. Шу йиллар давомида кўплаб элга қайишиб ишлайдиган, тажрибали, ҳалол инсонларнинг яхши-ёмон кунларига шерик бўлдим. Ана шу ҳаётий тажрибаларим давомида инсонни хотирлаш, уни қадрлаш одамийликнинг энг улуғ фазилати эканлигини англаб етдим. Шу боис биз, фахрийлар Президентимизнинг бу борадаги таклиф ва ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Истагимиз юртимиз тинч, обод, оилаларимиз осойишта бўлсин.

- Мустақил Ватанимизда фронтчи авлод вакилларига катта ғамхўрликлар кўрсатилиб, кўплаб имкониятлар, қулайликлар яратиб берилмоқда, - дейди уруш ва меҳнат фахрийси Воғиз Музаффаров. - Айниқса, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳеч қайсисида йўқ. Ёруғ кунларга етиб келишимиз учун жонини фидо қилганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз пойтахтида Хотира майдони барпо этилиши катта тарихий аҳамиятга эга. Бу хайрли ишларнинг ташаббускори бўлган юртбошимизга барча нуроний отахону муштипар онахонлар номидан миннатдорлик изҳор қиламан.

Инсоний бурч

Тўқсон баҳорни қаршилаяпман. Умримда кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлдим. 1941-1945 йилларидаги иккинчи жаҳон уруши жангу жадалларида қатнашдим. Урушдан кейин Тўрткўл тумани Г.Одилов номидаги хўжаликда баҳоли қудрат меҳнат қилдим. Шу йилларда қанчадан-қанча тенгқурларим, урушда қон кечган қуролдошларим оламдан ўтди. Уларнинг хотирасини эсга олиб, қадрлаш эса бизнинг инсоний бурчимиздир. Бу борада юртбошимиз Ислом Каримов барчамизга ибрат кўрсатяпти. Биргина мисол: у киши томонидан 9 май кунини Хотира ва қадрлаш кунига айлантириш тўғрисидаги таклифида олам-олам маъно бор. Бу миллионларнинг эзгу тилагидир! Зеро, ўтганларни, айниқса уруш жангу жадалларида қон кечиб қурбон бўлганларни хотирлаган, тирикларни қадрлаганлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Биз, уруш фахрийлари ажойиб ташаббус билан халқимиз қалбига эзгулик уруғини сепган Президентимизга қўлимизни кўксимизга қўйган ҳолда: Ҳамиша эл-юрт бахтига омон бўлинг,- деймиз.

Иноят НАВРЎЗБОЕВ, уруш фахрийси, Эллиққалъа тумани.

Бу кунларга етганлар бор...

Биз узоқ йиллар 9 майни Ғалаба куни сифатида нишонлаб келдик. Одатда ўша куни уруш қатнашчиларига совғалар улашилар, кейин ёшу қари дастурхон атрофига йиғилиб баъзан ичкиликбозлик қилишарди. Қурбон бўлганларни бундай ёдлаш бизнинг турмуш тарзимизга, қадриятларимизга мос келмаслигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Шу маънода юртбошимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифлари айни муддао бўлди. Ҳозирги фаровон турмушимиз, мусаффо осмонимиз учун қурбон бўлганлар, юртининг истиқлолини кўриш насиб этмаган ватандошларимизни яхши ниятлар, беғубор туйғулар билан хотирласак, саломат юрганлар ҳаётларини қадрласак ўз инсоний бурчимизни адо этган бўламиз.

Биз шу кунларда Президентимиз таклифларини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят миқёсида «Аждодларимиз хотираси, ёди ва қадри муқаддасдир» мавзуида семинар-кенгаш ўтказишга тайёрланаяпмиз.

Ортиқ ВАФОЕВ, «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти кенгаши раиси

/ЎзА/

Америкага фестивалга

Шу йил июл ойида АҚШ пойтахти - Вашингтонда «Болалар санъати - 2000» Халқаро фестивали бўлади. Унда бутун дунёдан 8 дан 12 ёшгача бўлган болалар иштирок этади. Ўзбекистонимизда ҳам мазкур фестивалда қатнашадиган болаларнинг тайёргарлиги бошланди.

Танлов ҳайъати таниқли мусаввирлар, амалий санъат усталари,Ўзбекистоннинг хайрия жамғармалари вакиллари, матбуот қўмитаси ходимларидан ташкил топган.

Фестивал ҳайъати раиси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Рўзи Чориев бўлажак фестивал ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича изҳор этди:

- Ёш истеъдод эгаларининг бундай улкан байрамини ўтказиш ғояси менга жуда маъқул. Биз янги аср бўсағасида турибмиз. Унинг қандай бўлиши кўпинча ҳозир ўн-ўн икки ёшда бўлган ўғил-қизларимизга боғлиқ. Ҳайъат олдида мураккаб вазифа турибди. Чунки, танловга қўйилган жуда кўп ишдан атиги бир нечтасини саралаш лозим бўлади.

Республикамизда бир қанча болалар ижодиёти марказлари, студиялари, тўгараклари мавжуд. Болалар фестивалдан хабар топиб, унга хурсандлик билан тайёргарлик кўра бошлади. Мен буни ўзим бошқараётган республика Болалар бадиий ижодиёти маркази мисолида ҳам айтишим мумкин.

Танлов шартларига келсак, шуни таъкидлаш зарурки, фестивалда мавзу жиҳатидан ҳеч қандай чекланиш йўқ. Ёш рассомлар танловга ўзлари тасаввур этган дунё ва ҳозирги кун, ўзларининг қувонч ва орзу-умидлари, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга муносабати акс эттирилган ишларни тақдим этиши мумкин.

Д. САИТОВА, ЎзА мухбири

Хабарларда жўшқин ҳаёт нафаси

Абитуриентларга қулайлик

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошида абитуриентлар учун янги турдаги тест синовларига тайёрлаш маркази иш бошлади. Ушбу марказга республика олий ўқув юртларида иқтисодиёт ва муҳандислик йўналишлари бўйича ўқишга кирувчи абитуриентлар, ўрта мактаб, лицей, коллеж ва гимназияларнинг битирувчилари қабул қилинмоқда. Машғулотлар институт етакчи профессор ва ўқитувчилари томонидан якка тартибда ёки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилади.

Марказда математика, инглиз, немис, француз, рус тили ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фанларидан дарслар шартнома-тўлов асосида амалга оширилади. Ўқиш муддати абитуриентлар хоҳишига қараб бир ойдан етти ойгача бўлиши кўзда тутилган.

Шунингдек, марказда ўқишни ривожланган хорижий давлатларда давом эттиришни хоҳловчиларни махсус тестларга тайёрлаш учун ҳам ўқувчилар қабул қилинмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, марказ тингловчиларни зарур адабиётлар ва давлат тест маркази «Ахборотнома»лари билан ҳам таъминлаш имконига эга.

Ўрта Осиёда ягона

Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси ўтган йили қарийб 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Буюртмачиларга 7,5 минг тонна қалин қоғоз, 10 миллион квадрат метрга яқин гофро қутилар ва кўп миқдорда бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Бу борада ўсиш 110 фоизни ташкил этди.



Фуркат туманидаги Фуркат номли ширкатлар уюшмасида халол меҳнат туфайли кадр топган механизатор Омонжон Ўлмасов номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Хўжалик деҳконлари бултур пахта ва ғалладан баракали хирмон кўтардилар. Бунда техника ихлосмандининг муносиб ҳиссаси бор.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА)

Ўрта Осиёда ягона мазкур корхона маҳсулоти сифатли бўлгани учун унга талаб йил сайин ортмоқда. Бугунги кунда республикамиздаги қандолат фабрикалари, ёғ-мой комбинатлари, савдо корхоналари билан бир қаторда Тўйтепадаги «Қобул-Ўзбек», Тошкентдаги «Такойч», «Айлин» сингари ўнлаб қўшма корхоналар буюртмалари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Айни вақтда хорижга ҳам маҳсулот чиқариш чора-тадбирлари кўрилаётир. Шу мақсадда акцияларнинг бир қисми эркин савдога қўйилди. Бу эса ишлаб чиқаришни юксалтиришга чет эл сармоясини жалб этиш имконини беради.

Харидоргир маҳсулотлар

Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда «Наманганнон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги йилдан бошлаб маҳсулот турларини яна учтага кўпайтирди. Шу кунларда 20 хилдаги нон маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилаяпти. Ҳиссадорлар ўтган йилни 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш билан якунлаган бўлсалар, жорий йилда бу кўрсаткични 850 миллион сўмга етказиш учун маҳсулот харидоргирлигини тобора оширмоқда.

Йўловчиларга қулайлик

Жиззах шаҳрининг «Эски шаҳар» аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. 20 автотранспорт саройи «Олмазор» бошбекатидан ҳар куни Жиззах-Тошкент маршрутини йўлга қўйди. Энди йўловчилар 8-10 километр босиб пойтахтга бориш учун шаҳарнинг нариги чеккасидаги бошбекатга эмас, балки «Эски шаҳар»ни янги маршрутидан фойдаланишади. Шаҳар аҳолиси яратилган бу қулайликдан мамнун бўлишмоқда.

ЎзА ва «Ишонч» мухбирлари

«Ишонч» бонг уради

ҲУВИЛЛАГАН... МАДАНИЯТ САРОЙИ

Пахтакор туманидаги «Пахтакор» ижара ширкатлар бирлашмаси марказида жойлашган салобатли Маданият саройи довруғини кўп эшитганлигимиз учун у билан яқиндан танишиш ниятида севина-севина борганлигимиз ҳам бир бўлдию, замонавий услубда қурилган 400 ўринли кино зали, кутубхона, кичик зал, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа турли тўгаракларга мўлжалланган хоналарнинг бирортаси ҳам ишламаётганлигини кўриб ҳайратдан ёқа ушладик.

Ваҳоланки, ушбу хўжалик нафақат вилоятда, балки республикада кўзга кўринган илғор хўжаликлардан эди. Маданият саройи шу қадар гавжум бўлардики, ҳатто туман анжуманлари ҳам ушбу муҳташам масканда ўтказиларди. Учта бадиий ҳаваскорлик тўгарагида ўзбек, рус ва татар дасталари фаолият кўрсатар, «Марҳабо, талантлар» телевизион конкурслари ва бошқа кўрик-танловларда уларнинг фахрли ўринларни эгаллашлари одат тусига кирганди. Клуб саҳнасида машҳур хонандалар, «Ялла» ансамбли сингари таниқли дасталарнинг чиқишларини то ҳануз хушнудлик ила эсга олишади. Бундан ташқари ушбу Маданият саройининг теграсидаги боғда жойлашган чойхона ҳамиша илғор пахтакорлар, механизаторлар ва ёшлар учун ўзаро мулоқот ва бахс- мунозаралар ўтказиладиган жойга айланган эди. Бугун эса...

Афсуски, авваллари халқ сайли ўтказиладиган маданий маскан бугунги кунда ҳаробага айланиб, унинг ён-атрофида чорва боқилаётир. Ейсқ шаҳрида келтирилиб ўрнатилган каруселлар ишламаётганлигига ҳам анча бўлиб қолди. Фаввора эса ачинарли аҳволда. Ёзги кинотеатрнинг ўрни қолган холос.

Ушбу манзаранинг сабабларини хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси Комил Эшмуродовдан сўраганимизда, у шундай деди:

- Кўриб турганингиздек Маданият саройимиз қишда иситилмайди. Шунинг учун уни қулфлаб қўйишга мажбур бўлмоқдамиз. Тўғри, ёз пайтида унда-мунда кинофильм намойиш қилиб турилади. Иккинчи қаватнинг шифтидан куз, қиш, баҳор фаслларида мунтазам чакка ўтиши оқибатида бино кўз ўнгимизда нураб бораётир. Мусиқа асбоблари йўқ бўлиб кетганлиги боис биронта тўгарак ишламаётир. Маош ололмаганлиги учун Маданият саройи директори Адолат Шаматова ишдан бўшаб кетганлигига ҳам анча бўлган. Бир вақтлар касаба уюшмаси ихтиёридаги Маданият саройи ҳозирги кунда хўжалик балансида туради. Аммо, маблағ йўқлиги туфайли аҳволни ўнглашнинг имкони бўлмаётир...

Касаба уюшма қўмитасининг раиси Комил Эшмуродов 1995 йилдан буён шу вазифада ишлайди. Айтиш мумкинки, ўз соҳасини яхши билади. Аммо унинг дарди ҳам ичида. Тўғриси, гап орасида унинг икки йилдан буён маош олмаётганлигини эшитиб, ёқамизни ушладик. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоячиси бўлган ташкилот раҳбарининг ўзи ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлиб турса, эшитган кишига ғалати туюлар экан.

Маданият саройини кўздан кечирамиз. Хоналар, кино зали совуқ, зах ҳиди димоғингизга урилади. Шифт ва деворлар нураб ётибди. Кутубхона эса қулф. Тўғрисини айтганда, бундай «қироатхона»да ким ҳам мутолаа қиларди?

Биз борган кун хўжаликка янги раҳбар тайинланган экан. Суннат Ўроқов эътирозларимизни эшитиб, ҳаммасидан хабардорлигини, бугун-эрта 50 та шифер олиб беришлигини айтди. Бошқа масалалар кўтарилганда умумий гаплардан нарига ўтмади.

Беихтиёр ўз-ўзимизга савол бердик. 6 мингдан зиёд киши истиқомат қиладиган кўп миллатли йирик хўжаликда турли «узрли» баҳоналарни рўкач қилиб маънавиятни шу қадар оқсатиб қўйганликлари наҳотки мутасаддиларнинг ўзларига кор қилмаса? Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг: маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уришдир, деган сўзларини яна бир бор эслатгимиз келади.

Ортиқ САИДОВ, «Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

Она табиатга нисбатан беписандлик, уни асраш учун тегишли чора-тадбирларни олдиндан кўра билмаслик, қолаверса, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш ишларига жиддий муносабатда бўлмаганлигимиз муайян салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Табиат инжиқликлари билан юзма-юз

КУНЛАРИМИЗ ОСУДА КЕЧСИН

Қашқадарё вилояти мамлакатимизда ўзининг табиий ва жўғрофий жойлашиши, иқлими жиҳатидан ер кўчиши, сув тошқини ва бошқа фавқулодда ҳодисалар тез-тез бўлиб турадиган маъволардан ҳисобланади.

1997 йилда хусусан, сел ва сув тошқини, ёнғин ва бошқа кўзда тутилмаган вазиятлар туфайли вилоят иқтисодиётига анчагина зарар етказилди.

Қамаши тумани «Лангар» қишлоғида ер кўчкиси юз бериб, шу номдаги дарё ўзанининг тўсилиб қолиши натижасида ҳажми жуда катта бўлган сунъий кўл пайдо бўлиши хавфи юзага келди. Астойдил қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли бунинг олди олинди. Айни ёзнинг жазирама иссиқ вақтида тўсатдан ёққан ёмғир ва кучли дўл оқибатида Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» ва «Қизил сув» жамоа ширкат хўжаликлари ҳудудидан оқаётган дарёда кучли сув тошқини пайдо бўлиб, ушбу хўжаликларнинг иқтисодиёти жиддий зарар кўрди.

Ҳокимликлар, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва фуқаролар муҳофазаси бошқа хизматларининг ҳамкорлиги таъминлангани, аҳоли ва моддий бойликларни сақлаб қолиш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилганлиги учун ҳам оғир талафотлар бўлмади. Инсон ҳалокатига йўл қўйилмаслигининг асосий сабабларидан бири шуки, фавқулодда ҳодисалар рўй бериши мумкин бўлган жойлар обдон ўрганилиб, ходимларимиз томонидан турли тайёргарликлар кўрилиб, амалий машғулотлар олиб борилди. Ҳокимликлар ўз вақтида огоҳлантирилди. Аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

Фақатгина ўтган йилнинг воқеаларга бой бўлган 9 ойида 34 миллион 403 минг сўмлик, шу жумладан 301,1 кубометр тош териш ишлари; 114,5 километр сув йўлларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди. Кўчкиларнинг хатари кучайган пайтда вилоят бўйича 29 та қишлоқдан 262 оила хавфли жойлардан кўчирилди. Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш бўйича чизма режа тайёрланиб, улар барча сув омборларига тарқатилди. Шунингдек, ҳимоя зонасини белгиловчи тўсиқлар сув омборларига ўрнатилди. Лангар, Қалқама ва Деҳқонобод сув омборларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Йўл-йўлакай тиббий ҳимоя тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли ва раҳбар ходимларни фавқулодда вазиятлардан сақланиш бўйича тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Республика идораларо муҳим иншоотлар қўриқловини ташкиллаштириш ва назорат бўйича комиссиянинг 1998 йил режасига асосан 19та алоҳида муҳим ва бошқа тоифаланган объектларда махсус тактик ўқув машғулоти тўлиқ ўтказилди. Вилоят ҳокими фуқаро муҳофазаси бошлиғининг режаси бўйича Ғузор, Яккабоғ туманларида бўлиб ўтган оммавий, Косон туманида эса қўмондонлик ўқув машғулоти кейинги фаолиятимизда кўл келди, десам муболаға бўлмайди.

Албатта, ҳокимликлар, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда бошқа хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳтарам Президентимизнинг бу ишга алоҳида эътибор бераётганликлари ҳамда хукумат томонидан зарур қарорлар билан таъминланганлиги туфайли ой сайин мустаҳкамланиб бораётир. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарори хусусида алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Мазкур қарорнинг низоми тасдиқланган бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳолини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш шакллари ва усулларини белгилашга қаратилган. Вилоятимизда ҳам бу борада тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган.

Аҳолининг барча гуруҳларига фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш, жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини кўрсатиш, барча даражадаги раҳбарларни аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза бўйича ҳаракат қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларнинг ўз вазифаларини амалий эгаллашларини таъминлаш, иш жойларида машғулотлар ўтказиш ҳамда тавсия этиладиган дастурларга мувофиқ фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни мустақил равишда ўрганиш, кейинчалик ўқув машқларида ва машғулотларда олинган билимлар ва малакаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, касб-ҳунар таълим ўқув юртларининг ўқувчиларини, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини тайёрлаш эса фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги умумтаълим дастурларига мувофиқ ўқиш вақтида амалга оширилади.

Команда-штаб ўқув машғулоти вилоят ҳокимлиги ва бошқаруви таркибида 5 йилда, шаҳар ва туманларда 3 йил, корхона, ташкилот ва муассасаларда эса бир йилда бир марта ўтказилади.

Ҳа, ҳаёт қизиқ ва у фавқулодда ҳолатларга бой. Бизнинг асосий вазифамиз ана шундай вазиятларга доимо шай туриш ва талофатга йўл қўймасликдир. Ўйлайманки, халқ билан бирга баҳамжиҳатликка эришилган жойда бундай кўнгилсизликлар юз бермайди.

Рўзикул ХОЛИҚОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи, полковник

ЁШЛАР КАМОЛОТИ

Жиззах тумани «КАМОЛОТ» жамғармаси бўлими қошида ташкил этилган «Камолот - Абдулла», «Камолот - Лазиз», «Камолот - Салим» фирмалари ўзларига берилган имтиёз бўйича беш йилгача солиқдан озод этилганлар. Мазкур фирмалар омилкорлик билан фаолият юритиб ишни ривожлантириб юбордилар. Келаётган фойданинг шартномавий қисмини «Камолот» жамғармаси ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмоқдалар.

«Камолот» жамғармаси ана шу маблағ ҳисобига туман ёшлари ўртасида турли кўрик-танловлар, ижодий кечалар уюштирмоқда. Яқинда юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?», «Шунқорлар», «Маликабону» каби тадбирлар ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ортиқ САИДОВ

Ўз меҳнатидан мамнун бу аёллар Тошкентдаги Охунбобоев номли бош-кийимлар фабрикасининг аъзоларидир. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифатлилиги билан ажралиб туради.

Суратда: касаба уюшма қўмитаси раиси Л.Абдураҳмонова (чапда) илғор ишчилар З.Раҳимова, У.Толипова ва З.Юсуповалар билан ўзаро мулоқот чоғида.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ПАРДОЗ ҒИШТЛАРИ

Самарқанд туманидаги «Тоҳирий» савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмаси 1992 йилда фаолият бошлаган. Бундан ҳам илгарироқ у ёғочни қайта ишлайдиган ширкат шаклида ташкил топган эди. Борабора унинг фаолияти кенгайди. Хусусий фирма таркибида «Перуз» ва Перуз энд Лорч» қўшма корхоналари вужудга келди. Ишлаб чиқаришга эса умумий ҳисобда 4 миллион сўм миқдорида чет эл сармояси жалб этилди.

Эндиликда мазкур қўшма корхоналарда Эрон технологияси асосида мебеллар, газ ўчоқлар, газ иситгичлар, буюртмага биноан идора жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Яқиндагина замонавий технология асосида эшик ва дераза рамлари ишлаб чиқариш бошланди. Ойлик ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллион сўмга етди. Иш ўринлари 200 дан ошди. Қишлоқ ҳудудида жойлашган мазкур корхона маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришни режалаштирган. Корхонада янги ўзлаштирилаётган маҳсулот - пардоз ғиштларига эса талаб ошмоқда.

Қишлоқ хўжалик техникасидан рационал фойдаланиш кўпинча ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги билан белгиланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик соҳасидаги аксарият техника имкониятлари замонавий ишлаб чиқариш талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Республика қишлоқ хўжалигининг техника билан тўла-тўкис таъминланиши деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланишини, бозор шароитида ишлашда вужудга келган вазиятни қайта баҳолашни талаб қилади.

Хориж тажрибасидан

ТЕХНИКА — ЖОНЛИ ТЕМИР

ёки трактор-комбайнлар билан «муомала» ҳақида

Қишлоқ хўжалигида энергия истеъмол қилиш ҳажмининг ортиши кузатилмоқда, аммо МДҲда энергия билан таъминланиш даражаси (қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги битта ишчига ҳисобланганда) АҚШга нисбатан 3-4 марта камдир.

Қишлоқ хўжалигининг тракторлар билан таъминланиш даражасини олсак, АҚШда ҳар 1000 гектар экинзорга 35 та трактор тўғри келади. Бошқа ривожланган мамлакатларда эса манзара қуйидагича: Олмонияда — 124, Буюк Британияда — 86, Беларусда — 19, Украинада — 12, Россияда — 10, Қозоғистонда — 6 та трактор тўғри келади. Дон комбайнлари бўйича ҳар 1000 гектар ерга: АҚШда — 18, Олмония билан Швецияда — 32, Голландияда — 22, Францияда — 19, Буюк Британияда — 14, Беларусда — 11, Украинада — 8, Қозоғистонда — 6, Россияда — 3 та техника тўғри келади.

Экин майдонларининг ҳар 100 гектарига: АҚШда — 405 кВт қувват сарфланса, Буюк Британияда — 404, Францияда — 364, Олмония, Голландия ва Италияда — 340-350, Россияда — 259 кВт қувват сарф қилинади.

Шунга қарамай трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини етказиб бериш суръати пасаймоқда. Бугунги кунда техника билан таъминланиш 70 фоиздан 30 фоиз атрофидадир. Яъни солиштирма кўрсаткич меъёрдагига нисбатан 1,5-4 баравар кам.

МДҲда қишлоқ хўжалигининг техника билан паст даражада қуролланганлиги сўнгги йилларда техникани етказиб бериш ва уни тайёрлаш суръатининг пасайишига олиб келди. Натижада тракторлар сони ва қишлоқ хўжалик тиркамаларининг бир-бирига бўлган оптимал нисбатини аниқлашдан иборат.

Тракторларнинг меъёрий хизмат муддати МДҲда 8 йилни, АҚШда эса 12 йилни ташкил этади, яъни 1,5 баравар кўп.

Шунингдек, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида техникани янгилаш меъёрлари мавжуд: АҚШ, Олмония ва Буюк Британияда — 12, Франция ва Италияда — 10 йил ва ундан ҳам кўп. АҚШда янги трактор учун ягона амортизация меъёри (5 йиллик муддат) белгиланган. Шу муддат давомида техникадан қишлоқ хўжалик техникаси парки камайди, унга бўлган талабнинг ортиши оқибатида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайди. Ғалла ўрим-йиғим мавсуми вақти ўртача 30 кунни ташкил этади. Маълумки, ғалла биологик жиҳатдан етилгандан кейин 5-кунда 5 фоизгача йўқотилади, 10-кунда эса унинг 20 % и, 30 кун орасида —44 % и нобуд бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишларини муддатида бажариш ва нобудгарчиликни камайтириш учун 1000 га экинзорга камида 40 та трактор сафарбар қилиниши даркор. Бунда, битта тракторнинг ўртача йиллик ишлаши 600-800 мотосоатдан ошмаслиги лозим. Ғалла ўриш комбайнларининг иш билан тўла таъминланишини 100 гадан оширмасликка ҳаракат қилишимиз керак. Агар хорижий мамлакатларнинг тажрибасини инобатга олсак, уларда рационал юкланиш 65-70 гани ташкил этади.

Кейинги асосий масала — тўла-тўкис фойдаланилади. Техника 5 йил ичида ишлатиб бўлингач, фермер хўжалиги уни таъмирлаб, унчалик кўп бўлмаган қолдиқ қиймати бўйича (30 %га қадар) сотиши мумкин.

Бир тракторга АҚШда ўртача 40 гектар ер тўғри келади, Францияда — 28, Олмония ва Италияда 18-20 гектар ер тўғри келади. Тракторнинг ўртача йиллик иш бажариши АҚШда — 800-1000, Буюк Британияда 600-800, Австрия, Бельгия, Олмония, Голландия ва Данияда — 400-500 мотосоатни ташкил этади. Хориж қишлоқ хўжалигида машиналарни ишлатишнинг характерлилиги шуни кўрсатадики, хўжалик ер майдонлари ва техника қувватлари (унумдорлиги) ўртасидаги фарқ тўғри келмаслигидир. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида энергия қувватларидан самарали фойдаланиш йилдан-йилга камаяётир. Трактор қуввати-ни фойдали ишлатиш коэффициенти АҚШда — 50-60%ни, Олмонияда — 45-50 %ни, Францияда — 45-55 % ни ташкил қилади.

Фермер хўжаликлари экин майдонларининг ўсиши билан трактор сони ҳам кўпаяётир ва қуввати ҳам ошаётир. Шу билан бирга, фермер хўжаликлари экин майдонларининг ҳажми ортиши натижасида (экин майдонлари кўламига ҳисоблаганда) трактор қуввати пасаймоқда. Меҳнатнинг энергия билан қуролланганлиги шуни кўрсатадики, кичик фермерларда трактор парки кўпроқ эски ва ишлатилган техникалардан иборат. Ферманинг кўлами ортиши билан тракторларнинг йиллик ишлатилиши ортади.

МДҲда техникага бўлган эҳтиёж талабни қониқтирмайди: ҳайдов тракторларига — 30-40 %ни, чопиқ тракторларига — 40-50% ни ва кичик габаритли тракторларга — 2-3% ни ташкил этади.

Янги трактор ва комбайнларга бўлган талабни камайтириш мумкин, бунга уларнинг хизмат муддатини узайтириш йўли билан эришиш мумкин. Хорижда қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш ва унинг тараққиёти ҳар хил тенг шароитда хўжаликнинг ривожланиш тизими, ҳолати ва кўлами билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги вақтда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг ҳар хиллиги, агросаноат комплекси соҳасида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириб туриш механизмининг йўқлиги ва бошқа бир қанча сабаблар туфайли хўжаликлар ҳамда фермерларнинг тўлов қобилияти кескин камайиб кетди ва улар эҳтиёжига қараб қишлоқ хўжалик техникасини доимий равишда сотиб ололмайдилар. Бунинг натижасида машиналар паркининг деярли 80% и рўйхатдан чиқарилиш ҳолатидадир, чунки улар 7-8 йилдан бери ишлатиб келинган.

Шундай аҳвол рўй бермоқдаки, агар ҳозир шошилинч чоралар кўрилмаса, 2000 чи йилга бориб қишлоқ хўжалиги жуда қийин аҳволда қолади. МДҲда агросаноат хавфсизлиги кафолатланмаяпти, кейинчалик аҳвол янада мушкуллашиши мумкин, чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етишмаслиги қайта ишлаш саноати, чорвачилик ва бошқа ишлаб чиқаришларда ишнинг тўхтаб қолишига олиб келади.

Ҳозир республикамиз қишлоқ хўжалик машинасозлигида ташкилий ва молиявий жиҳатдан маълум камчиликлар мавжуд. Кейинги йилларда агросаноат мажмуи ишлаб чиқаришидаги умумий ҳолат кўздан кечирилса, бир қатор хорижий фирмаларнинг фаолияти сезиларли равишда жонланганини ва улар МДҲнинг қишлоқ хўжалигига ўз техникасини жорий эта бошлаганини кўрамиз. Бу ишлар қўшма корхоналар тузиш ёки хорижий сармояни жалб этиш, уни лизинг усулида тарқатиш авж олган. Бу ислоҳотлар яқин йилларда ўз натижасини кўрсатади.

Ватанимиз қишлоқ хўжалигида хориж тажрибасини ўрганишнинг ўзи, ўзаро фойдали асосда замонавий техникани ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳеч кимда ҳеч қандай эътироз туғдирмаса керак. Бу борадаги ижобий тажрибани кенг ва жадал ёймоқ лозим.

Абдукарим УСМОНОВ,
техника фанлари номзоди

OLAMDA NIMA GAP

Шарҳловчи минбари

"ҚОРА ҚИТЪА" ОСМОНИДАГИ БУЛУТЛАР

Шу кунларда дунёнинг энг нотинч минтақалари сифатида Африка қитъаси тез-тез тилга олинаётир. Минтақанинг бир жойида бораётган уруш тўхтамай туриб, унинг бошқа янги ўчоғи пайдо бўлаётгани бутун дунё тинчликпарвар кучларини ташвишга солаётир. Янги йилнинг бошидаёқ Серра-Леонеда ҳукуматга қарши кўтарилган исён ва унинг оқибатида бошланган фуқаролар урушининг ўзиёқ ушбу фикрларга далил бўла олади.

Тарихга назар ташланса, асримизнинг иккинчи ярмига келиб, бу қитъада ҳам озодлик эпкинлари кучайди. Натижада бир неча мамлакат мустақил давлат мақомига эришди. Бироқ ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, мазкур мамлакатларнинг аксариятида сиёсий, ижтимоий ва миллатлараро муаммоларни бартараф қилиш ҳали-ҳануз қийин кечмоқда. Бунга Сахара, Уганда, Руанда, Конго Демократик Республикаси, Эритрея, Бурунди, Эфиопия, Сомали, Ангола, Гвинея-Бисау каби мамлакатларни мисол сифатида келтириш мумкин. Этник ва диний кўринишдаги можаролар ёки фуқаролар уруши ушбу мамлакатларни қашшоқлик ботқоғига ботириб, миллий иқтисодиётни бир неча ўн йиллар орқага суриб ташлади. Сайёрамизнинг бирор минтақасида бу қадар кўп уруш ўчоғи топилмайди. Гарчи, можароларнинг аксарияти сиёсий курашлару фуқаролар қарама-қаршиликлари ҳамда этник ва диний кўринишда юз бераётган бўлса-да, уларнинг замирида ҳокимият талашиш ётганлиги аёндир.

Мана, қарийб йигирма йилдирки, Анголада ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги "Унита" исёнчилари ўртасидаги қарама-қаршиликларга чек қўйилгани йўқ. Ўртадаги муаммоларни ҳукумат ҳам, мухолифатдаги куролли тузилмалар ҳам ҳал эта олмади. Муаммо шу қадар чигаллашиб кетганки, уни тинч музокаралар йўли билан бартараф этишнинг имкони ҳали-ҳануз топилмаётир. Бундай сиёсий беқарорлик Сомалида ҳам кўп йиллардан буён давом этмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, ғарбий Сахарада ҳам барқарор сиёсий муҳит ўрнатилган эмас.

Уганда ва Руандада бундан бир неча йил аввал бўлиб ўтган этник можаролар тинч аҳоли ўртасида катта қирғинларга сабаб бўлди. Бу икки қўшни мамлакатда сиёсий беқарорлик барҳам топар-топмас, собиқ Зоирда бошланган фуқаролар уруши минтақада тинчлик ўрнатилиши ғоят мушкул эканини яна бир бор исботлади. Диктатор Мобуту Сесе Секо тузимини ағдариш ниятида олиб борилган курашлару катта қирғинлар эвазига мухолифат кучлар йўлбошчиси Лоран Дизери Кабила ҳокимият тепасига чиқди. Ҳозир Конго Демократик Республикаси деб ном олган ушбу мамлакат ҳарбийлар исёни туфайли ярим йилдан буён яна уруш ўчоғига айланган. Энг ачинарли жиҳати шундаки, бугунги кунда КДРдаги фуқаролар уруши қўшни давлатларни ҳам ўз гирдобига тортиш хавфини туғдирмоқда.

Африка қитъасидаги аксарият давлатлар иқтисодий жиҳатдан заиф мамлакатлардир. Турли миллат ва элатлардан ташкил топган бу қитъада уруш оловини ёқиш баъзи бир сиёсий кучлар учун унчалик қийин иш эмас. Масалан, ўтган йилнинг ўрталарида Гвинея-Бисауда мамлакат президенти Жоау Бернард Виейра армия бош штаби бошлиғи, генерал Ансуман Манени ўз вазифасидан озод этгач, у президентга қарши исён кўтарди. Мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Ҳайриятки, Сенегал қўшинларининг кўмаги президент Ж.Виейрани мағлубиятдан қутқариб қолди.

Қитъанинг турли жойларида ана шундай сиёсий курашлару куролли жанжаллар давом этаётган пайтда Серра-Леонеда яна бир куролли можаронинг юзага келиши минтақада барқарор тинчликнинг ўрнатилиши учун ҳали кўп иш қилиниши зарурлигини яна бир карра эсга солди. Бу мамлакатда вазият шу қадар кескин ва чигаллашиб кетдики, ҳатто пойтахт Фритаундаги хорижий фуқаролар ўз ватанларига қайтишнинг имконини тополмай қолди. Уруш кетаётгани туфайли Ғарб давлатлари жабрдийда аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш имкониятидан ҳам маҳрум. Натижада оч ва бошпанасиз қолган тинч аҳоли билан ҳеч кимнинг иши бўлмаяпти.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ж А К А Р Т А. Индонезияда аҳоли ўртасида диний низолар ва оммавий тартибсизликлар ҳамон тўхтамаяпти. Куни кеча Амбон шаҳрида аҳоли ўртасида юз берган диний низолар 17 кишининг ҳаётига зомин бўлган, 100 га яқин фуқаро тан жароҳати олган.

Оммавий тартибсизликлар иштирокчилари бир неча уй, автомашиналар ва савдо дўконларини ёқиб юборган. Бунга жавобан хавфсизлик кучлари ҳавога қарата огоҳлантирувчи ўт очишга мажбур бўлган.

Индонезия хукумати мамлакатда юз бераётган тартибсизликларга давом этаётган иқтисодий бўҳрон сабаб бўлмоқда, деб таъкидлашаётир.

* * *

СЎНГГИ ХАБАРЛАР

О Т Т А В А. Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто Канаданинг Торонто шаҳрида бўлиб ўтган аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммоларига бағишланган халқаро конференциядаги иштироки чоғида Покистоннинг ҳозирги раҳбариятини танқид қилди.

«Биз Покистонни толибонлаштириш ҳаракати кучайиб бораётганига гувоҳ бўлаётирмиз, бунинг сабаби мамлакатдаги сиёсий ва жамоатчилик доираларида дин пешволарининг таъсири кун сайин кучайиб бораётганидадир», деди Беназир Бхутто.

* * *

П Е К И Н. Тайван ҳукумати Хитойдан Тайванга олиб қочилган 9 та йўловчи самолётни Хитойга қайтариб беришга қарор қилганини билдирди. Бироқ бу самолётларни олиб қочган жиноятчиларни Хитойга қайтариб бериш масаласи ҳамон ечилган эмас.

Маълумки, Хитой билан Тайван ўртасида самолётларни олиб қочган жиноятчиларни қайтариб бериш борасидаги муаммолар анчадан буён давом этмоқда.

/ЎзА/

А Ф И Н А. Косово муаммоси фақат сиёсий йўл билан ҳал қилинмоғи зарур, деб баёнот берди Греция миллий мудофаа вазири Апостолос Цохадзопулос. У ўз баёнотида Косовонинг Рачак қишлоғи яқинида бўлиб ўтган қотиллик ҳақида тўхталиб, ўлкада ҳар қандай зўравонлик ҳаракатларига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, А.Цохадзопулос Югославия президенти Слободан Милошевични мавжуд муаммоларни тинч йўл билан бартараф қилишда халқаро ҳамжамият билан тўлақонли ҳамкорлик ўрнатишга даъват этди.

* * *

СЎНГГИ ХАБАРЛАР

К И Ш И Н Ё В. АҚШ давлат департаменти ҳамда мудофаа вазирлиги вакилларидан ташкил топган делегация Молдовага келди. Меҳмонлар икки кун давомида Молдова расмий раҳбарияти билан учрашади. Учрашувларда НАТОга аъзо мамлакатларнинг жорий йил апрел ойида Вашингтонда бўладиган саммитга тайёргарлик, минтақавий хавфсизлик, шунингдек, мамлакат армиясида ислоҳотлар ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Молдова 1994 йилдан буён «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида НАТО билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

* * *

М Е Х И К О. Лотин Америкаси мамлакатларидаги жиддий муаммолардан бири - минтақада қашшоқларнинг кўплигидир. Жаҳон банки экспертлари томонидан минтақанинг ўтган йилги аҳволи ҳақида тайёрланган маърузада шундай фикрлар баён қилинган.

Маърузада айтилишича, айни пайтда Боливия, Гватемала ҳамда Гаитидаги оилаларнинг 70 фоизи қашшоқ ҳолда кун кечирмоқда. Устига-устак дунё мамлакатларида юз бераётган молиявий ҳамда иқтисодий инқирозлар улар сонининг янада ошишига сабаб бўлаётир.

/ЎзА/

ЕВРО: РЕЖАЛАРДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?

Европанинг янги ягона пул бирлиги - евро жорий қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирча янги валютада фақат нақдсиз ҳисоб орқали муомала қилинаётган бўлса-да, унинг обрўси кундан-кунга ошиб бораётир. Бу эса мутахассислар орасида еврони тезроқ нақд пул муомаласига киритиш лозим, деган фикрларни ҳам туғдирмоқда. Оддий европаликлар эса янги валютанинг тезроқ чўнтакларида жиринглаши ёки шиғирлашини эшитиш орзусида.

Европа Комиссиясининг душанба куни бўлиб ўтган мажлисида Белгия молия вазири Жан Жак Визер мамлакат фуқароларининг истакларини ҳисобга олиб, ўз ҳукумати номидан Европа Комиссияси олдига олдиндан режалаштирилган 2002 йилнинг 1 январини кутмасдан янги валютани нақд муомалага 2001 йилнинг 1 октябридан киритиш таклифини қўйди. Унинг таъкидлашича, валютанинг жорий этилиб, нақд муомалага чиқарилмаслиги кишиларни ажаблантирмоқда. Орадаги узилиш кишилардаги ишончни сўндириб қўйиши мумкин.

Бельгия таклифини германиялик ишбилармонлар қўллаб-қувватлаган бўлса ҳам, Боннинг расмий доиралари унчалик рўйхуш билдирмаяпти. Шунингдек, бирлашаётган Европанинг расмий доиралари ва кўпчилик давлатлар вакиллари ҳам бу таклифни унчалик хушҳоллик билан кутиб олмади. Улар ҳамма иш режа асосида бўлгани маъқул, евронинг нақдсиз муомалага кириши режа асосида амалга оширилгани учун ҳам муваффақиятли кечди, энди шошма-шошарлик қилиш кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин, деб шубҳа билдирдилар.

Евронинг нақд муомалага киритилишига тўсқинлик қилаётган яна бир сабаб янги валютани қоғозга босиб чиқариш ва танга пулларни зарб қилиш учун кўп вақт, анчагина маблағ талаб этиши билан боғликдир. Пул муомаласида қийинчилик бўлмаслиги учун Европа бўйича жами 50 миллиард дона танга зарб этилиши ҳамда 13 миллиард дона қоғоз пул босилиши лозим. Масалан, биргина Франция эҳтиёжига яраша нақд пул ясаш учун 2002 йилнинг 1 январигача Париждаги пул босиш дастгоҳлари кунига 2,6 миллион донадан қоғоз пул зарб этиши лозим экан. Нақд пулни Европадан ташқарида, масалан, Жанубий Кореяда босиб келтириш мумкин, деган айрим таклифлар эса, у ерда зарур сифат сақланишига кафолат йўқ, деган шубҳа билан рад этилди.

Франция молия вазири Доминик Стросс-Кан мажлисни якунлай туриб, «Барча далиллар тарозига қўйилгач, ҳозирча еврони нақд муомалага киритишдан тийилиб туришга қарор қилинди», деди. Лекин Европа Комиссиясининг ишчи гуруҳларидан бирига масалани доимий ўрганиб бориши лозимлиги ҳақида ҳам топшириқ берилди.

Финляндия вакилларидан бири эса журналистлар билан мулоқот чоғида: «Вазият тез ўзгариб боряпти, чақалоқ евро ота-оналари кутганидан кўра тезроқ ўса бошлаши мумкин, бинобарин, уч йиллик муддатни қайта кўриб чиқиш қийин эмас», деди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА шарҳловчиси

TV

ДУШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
* * *
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Мусиқий йилнома».
9.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Куй ва тасвир».
10.40 Кундузги сеанс. «Артистнинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм.
12.05 «Санъат оламида».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.55 «Юз билан юзлашганлар».
13.25-14.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. Рамз Бобожон. «Муҳаббат нидоси». Видеофильм. 5-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.30 ТВ-патруль.
18.40 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.05 «Умидим қолди». А.Дадабоев.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 Назм ва наво кечаси.
22.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 15-қисм.
22.50 «Маънавият» дастури.
23.50 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон?»)
18.25 Мультфильм.
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Эгиз қўшиқлар».
19.50, 20.45, 22.55 Эълонлар.
19.55 «Доктор Финли». Телесериал.
20.50 «Жаҳон». Ҳалқаро шарҳ.
21.10 Танишинг: Хуршид Расулов куйлайди.
21.25 «Маслаҳат».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Мутлақ ҳокимият».
00.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 Телефакт (рус тилида)
18.30 «Ташналик». Телесериал.
19.20 «Сен ҳақингда ва сен учун» (рус тилида)
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 «Ҳиндистондан салом!» Мусиқий тўплам.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Дорихона эшитади».
22.25 «Телефакт».
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Япония ҳақида ҳикоялар».
23.15 «Талабларга биноан...»
23.35 «Спорт-тайм».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Саргузашт фильмлар экрани.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.45 Душанба куни Познер билан «Ниқобдаги киши» дастури.
19.50 «Бутазордаги ҳиргойилар». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 180-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.40 «Замонавий дизайн».
23.00 «Вести».
23.30 «Ҳуқуқ ва жамият».
23.45 Киносеанс. «Шайтон малайлари жиндар тегирмонида». Бадиий фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 Тунги сеанс. «Азиз». Бадиий филм.
02.40-02.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

